

Ўзбекистон Республикаси Fanlar Akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси



**ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЙТИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЙОТИ**

6 / 2017

Шундай қилиб, фалсафий нуқтаи назардан инсон оламини қиёслашлар орқали билиб боради. Ўшатиш адабиётшуносликда кўчимнинг бир тури, психологияда тафаккур амалиёти, фалсафада оламини билишнинг қудратли воситаси сифатида талқин этилади. Тилшунослигимизда миллий тафаккур маҳсули бўлган ўшатишларни лингвомаданий жиҳатдан ўрганиш эса, уларнинг миллий-маданий семантикасини очишга, унда инъикос этган миллий аксиологик нигоҳ оламнинг ўзбекча лисоний манзараси илмий талқинини шакллантиришга хизмат қилади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада оламини билишда қиёс ва ўшатишнинг ўрни, фалсафий аҳамияти хусусида сўз юритилган. Миллат тафаккуридаги оламнинг лисоний манзараси яралишида ўшатишнинг аҳамияти очиб берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается роль сравнения и уподобления в осмыслении мира, излагаются философские основы сравнений. Раскрывается значение сравнения в формировании языковой картины мира.

RESUME. The article speaks about the place of comparisons and their philosophical significance in the perceiving of the world. The significance of comparison in creating linguistic picture of the world in the mind of the nation has been analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: тафаккур, идрок, ўшатиш, космос, айният, зиддият, концепт, оламнинг концептуал манзараси, оламнинг лисоний манзараси.

Ключевые слова и выражения: мышление, восприятие, сравнение, космос, тождество, противоречие, концепт, концептуальная картина мира, языковая картина мира.

Key words and word expressions: mind, perception, comparison, space, identity, contradiction, concept, conceptual picture of the world, linguistic picture of the world.

Озода ДАДАЖОНОВА

ИСТАК ГАПЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Сўнги йилларда ўзбек тилшунослигида тил бирликларини прагмалингвистик аспектада ўрганишга қизиқиш кучаймоқда. Ўтган асрнинг сўнги чорагида антропоцентрик тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида ўз мақомига эга бўлган прагмалингвистикада тил тизими бирликлари тил эгасининг коммуникатив мақсади, мулоқот муҳити, контекст кабиларга боғлиқ ҳолатда ўрганилмоқда. Бошқача айтганда, нутқ эгаларининг коммуникатив мақсади сингдирилган ҳар қандай нутқий бирлик контекст, нутқий вазият, тил эгаларининг умумий билим ва тил кўникмалари билан боғлиқ ҳолда таҳлилга тортилмоқда.

Ҳар қандай гапда нутқ эгасининг коммуникатив мақсади акс этар экан, нутқий фаолият маҳсули ҳисобланган гап турларининг ҳар бири прагматик таҳлилга муҳтож бўлади. Ўзбек тилида гапнинг ифода мақсадига кўра бошқа турларидан семантик-синтактик жиҳатдан фарқланувчи истик гаплар ҳам нутқ эгасининг прагматик мақсадини ифодалашига кўра прагмалингвистиканинг ўрганиш объекти бўла олади.

Маълумки, истик гаплар сўзловчининг истик-хоҳиши, орзу-умиди, ниятини ифода этувчи алоҳида гап туридир. Ўтган асрда ўзбек тилшунослигида семантик-синтактик аспектадаги тадқиқотларга қизиқиш ортиши натижасида истик гапларнинг ўзига хос синтактик қурилиш моделига эга эканлиги аниқланди. Бу турдаги гапларда нутқ эгасининг коммуникатив мақсади

лашлар
р тури,
уратла
факкур
ш эса,
с этган
илмий

аҳамияти
ралишида

мыслени
авнения в

losophical
g linguistic

с, концепт,

гождество,

е, identity,
d.

АРИ

икларини
а. Утган
мустақил
када тил
т муҳити,
нда, нутқ
і нутқий
им ва тил

акс этар
ҳар бири
мақсадига
қланувчи
пига кўра

и, ниятини
ослигида
тижасида
эканлиги
мақсади

билан боғлиқ истак-хоҳиши, орзу-умиди, ниятининг ифодаланиши уларнинг алоҳида гап тури сифатида ажратилишига сабаб бўлди.

Биламизки, узоқ йиллар давомида гапнинг ифода мақсадига кўра тури дарак, сўроқ, буйруқ гаплар билан чегараланди. Фақат Н.Маҳмудов, А.Нурмоновларнинг “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси” номли ўқув қўлланмасида¹ истак гаплар алоҳида гап тури сифатида ажратилгандан сўнг, тилшунослигимизда истак гаплар гапнинг ифода мақсадига кўра тўртинчи тури сифатида белгиланди.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда гапнинг ифода мақсадига кўра алоҳида тури сифатида баҳоланаётган истак гаплар ўз даврида Абдурауф Фитрат томонидан тилак гаплар сифатида ажратилиб, изоҳланган. Фикримизни олимнинг қуйидаги қарашлари ҳам тасдиқлайди: “Гапдан мақсад бир ўйни билдирмакгина эмас, бир ишнинг бўлиб бўлмаслигини истамак эса унга “тилак гапи” дейиладир. Кесим сўзлари буйруқ, ўтинч, кўзганиш феъллари бўлган гаплар “тилак гапи” бўладирлар. Синамаган отнинг сиртидан ўтма. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл! Шу хатни ўқуб берсангиз-чи! каби.

Шарт феълининг “умид-армон” учун ишлатилган шакли ҳам гапнинг кесим сўзи бўлганда гап “тилак гапи” бўладир. Кўнгли тилаган муродига етса киши! (Бобур)

Форсийча “кошки, шояд” сўзлари билан бошланган гаплар ҳам “тилак гапи” бўладир:

Кошки меним сўзимни тингласа.

*Шоядким қолсангиз каби*².

Кейинги йилларда истак гапларнинг ўзига хос семантик-синтактик тузилишга эга эканлиги бошқа тилшунослар томонидан ҳам қайд этилди, “истак гапларда сўзловчининг юзага чиққан ёки ҳали амалга ошмаган ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслигини, нарса-предметнинг йўқ бўлиши ёки мавжуд бўлишини исташи кабилар ифодаланиши” ҳақидаги қарашлар илгари сурилди³. Шунингдек, ижобий истак бирликлари мисолида тилак ифодаловчи бирликларнинг ижтимоий-лисоний жиҳатлари ёритилди, ижобий истак бирликларининг нутқ вазияти, сўзловчининг ёши ва жинсига кўра фарқли тарзда шаклланиши ҳақида маълумот берилди⁴.

Истак гапларнинг айрим хусусиятлари таҳлил этилган баъзи ишларни эътиборга олмаганда, тилшунослигимизда истак гапларнинг семантик-синтактик структураси, прагматик хусусиятлари махсус ўрганилмаган. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўзбек тилида нутқ эгасининг истак-хоҳиши, нияти истак гаплар орқали воқеланса-да, истакни ифодаловчи бирликлар турли сатҳ бирликлари ҳисобланади. Истак гаплар “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси” ўқув қўлланмасида кўрсатилганидек,

¹ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 46-47-бетлар.

² Фитрат А. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Иккинчи китоб: Наҳв Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 2006, 204-бет.

³ Лутфуллаева Д. Гап қурилиш қолипи ва пропозитив структураси ўртасидаги муносабат. Тошкент, 2008. 59-бет.

⁴ Базарова М.М. Ўзбек тилидаги ижобий истак мазмунини ифодаловчи нутқий бирликларнинг лисоний хусусиятлари (дуолар ва нутқий этикетлар асосида). НДА. Тошкент, 2007.

нафақат К/ф.-са/ модели орқали,⁵ балки турли лексик бирликлар, синтактик конструкциялар билан ҳам шаклланади. Масалан:

– *Чарчадик, озгина овқатланайлик, – деди Омон.*

– *Юр бўлмаса, нима еймиз?*

– *Ўзи арзон-у, тўқ тутадиган овқат бўлсин...* (Ғ.Ғулом. “Шум бола”)

Сўкса сўкаверсин, мен эшитмагандан кейин оззига келганини ўтласин.
(Ғ.Ғулом. “Шум бола”)

Берилган мисолларда нутқ эгаси истак-хоҳишини ифода этишда кесими буйруқ-истак майлидаги феъллардан ташкил топган гап моделларидан фойдаланилган.

Ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган *хоҳламоқ, истамоқ* феъллари ҳам истак гапларни шакллантирувчи фаол лексик бирликлар ҳисобланади. Масалан, “*Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлишини истаймиз*” гапида нутқ эгасининг истак-хоҳиши, нияти бевосита акс этганлигига гувоҳ бўламиз. Бу турдаги гаплар кесими шарт майлидаги феъллар билан шакланган гапларга синоним бўла олади. Қиёсланг: *Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлса.*

Истакни кучайтириш мақсадида гапда *кошки, қани, қани энди* бирликлари қўлланганда нутқ эгасининг прагматик мақсади янада кучли намоён бўлади. Масалан: *Қани энди қўлидан бир иш келса.* Бироқ кесими *-са* шарт майлидаги феъллар билан ифодаланган гапларга нисбатан бу типдаги гапларда истакнинг ирреаллик белгиси юқори бўлади. Шу билан бирга, бундай гапларда пресуппозицияга ишора ҳам кузатилади. Нутқ эгаси истак-хоҳишини ифода этиши жараёнида бу истак ортида турган воқеликка ҳам ишора қилишни кўзда тутаяди. Шу боис “*Қани энди қўлидан бир иш келса*” гапидан “*Қўлидан бир иш келмайди*” пресуппозицияси англашилади.

Истак гапларнинг кесими *-са + экан, -са + эди, -ганда + эди, -ганда яхши эди, -ганда + яхши бўларди* грамматик шаклларидаги феъллардан ташкил топганда, сўзловчининг истак-хоҳиши янада кучли ифодаланади. Масалан: *Икки қулоқ арқон бўлганда яхши бўларди.* (Ғ.Ғулом. “Шум бола”). Баъзан истак-хоҳиш ифодасига нутқ эгасининг қўшимча субъектив муносабати – норозилиги, эътирози кабилар ҳам қўшилади. Масалан: *Нафақани оширсаларингиз экан, кўмир олсак.* (Т.Мурод).

Нутқ эгаси истак билан бирга тилагини ҳам ифода этишни мақсад қилиб белгиласа, кесими *-син* аффикси билан шакланган синтактик моделдан фойдаланади. Масалан: *Давлатингиз бундан ҳам зиёда бўлсин, бой ота...* (Ғ.Ғулом. “Шум бола”)

Англашиладики, ўзбек тилида истакни ифодаловчи гаплар синтактик тузилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Уларни умумийлаштирувчи белги – семантик хусусияти ҳамда нутқ эгасининг истак-хоҳиш, орзу-ниятини ифода этишдан иборат прагматик мақсаддир. Нутқ эгалари айни шу коммуникатив мақсад асосида истак гапларнинг турли кўринишдаги моделларидан фойдаланишади.

Истак-хоҳиш ифодасига нутқ эгаларининг турли мазмундаги субъектив муносабати қўшилганда истак гапларнинг синтактик структураси янада мураккабланиши.

⁵ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 46–47-бетлар.

CONTENT

Literature studies

I.Hakkul. Untired critic and multi-skilled scholar	3
T.Mirzaev. Does the "Alpamysh" cycle consist of thirty-two dastans?	9
M.Juraev. The star pleiades in the turkic astral myth	20

Linguistics

N.Mahmudov. Scientific text and citation	30
D.Lutfullaeva, D.Khudayberganov. Linguistic person problem in Linguistics	35

Scientific information

H.Mirhaydarov. Regarding to history of comparison "Jomi jam"	42
H.Abdullaev. Literary similarity of philosophy time in poetry	47
K.Ergashev. Some new data regarding to life and creature of Gadoi	51
N.Murodi. "Hamsa" of Alisher Navoi and Uigur literature	55
M.Asadov. Specific features of Tarjeband-saki-name	60
M.Tojikhujayev. German researcher of Uzbek literature	69
Sh.Karimova. Tradition and specificity in the creature of Muhsini	74
D.Nazarov. Image of human and nature attitude in the story	80
Z.Shukurova. Classification of wisdom words in the "Kisasi Rabguzi"	86
K.Omonov. Influence of diplomacy of the old turkic official texts to the neighboring countries' documentation	89
Y.Odilov. Archaic words in the journalism texts	93
M.Kurbanova. Specific peculiarities of connotation in the children speech	98
F.Usmanov. The role of comparison in formation of the linguistic picture of world	103
O.Dadajonova. Pragmatic features of intentions.	106
Z.Mukimova. Utkir Khoshimov's skill in creating an literary text.	109

Doers of Science

M.Juraev. Shomirza Turdimov	113
-----------------------------------	-----

Criticism. Review. Bibliography

A.Madvaliev. Great attainment of Arabic and Uzbek lexicography	117
D.Salohi. Regarding to research style of "Yatimat ad-dahr"	121

Heritage

O.Jurabaev. Regarding to literary heritage of Khan	125
Khan. Gazels. Muhammas	128

МЧЖ "ИПАК Ю'ЛИ ПОЛИГРАФ" босмахонасида чоп этилди. Буюртма №08.

Манзил: 100170, Тошкент. Авайхон кўчаси, 98А-уй.

Қоғоз бичими 70x108^{1/16}. Офсет босма.

Офсет қоғози. Агно Про гарнитураси.

Шартаи-босма т. 8,5. Тиражи 280 нусха. Келишилган нарҳда